
Ҳатлов жараёнларида аҳоли муаммолари ҳал этилмоқда.

Аввал хабар берганимиздек туманда сектор раҳбарлари бошчилигида тузилган ишчи гуруҳ томонидан ҳонадонбай аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларни жойида ижобий ҳал этиш ва бу орқали, фуқароларни қийнаб келаётган муаммоларга ечим топиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан Қува тумани ДСИ бошлиғи, 4-сектор раҳбари А.Исмоилов бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан Гулобод маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган ўрганишлар давомида, ҳудуддаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳоли томонидан кириш йўлакларини таъмирлаш, юзасидан келиб тушган мурожаатлари жойида ҳал этилиб, зарурий қурилиш материаллари ва ҳом ашёлар етказиб берилди ва йўлакларни таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Ҳатлов жараёнлари давом этмоқда

2023-04-06 17:59:00